

IQTISODIYOTNI MODERNIZATSIYALASH SHAROITIDA ASOSIY VOSITALAR HISOBINI HALQARO VA MILLIY STANDARTLARDA AKS ETTIRISH MASALALARI

XATAMOV KOBIL XAYRIYEVICH

*Toshkent davlat agrar universiteti "Buxgalteriya
hisobi, tahlil va audit" kafedrasida dotsenti v.b., PhD*

Email: qobilxatamov27@mail.com

*[https://doi.org/10.47689/STARS.univer-
sity-5-pp68-72](https://doi.org/10.47689/STARS.university-5-pp68-72)*

Annotatsiya: Ushbu maqolada asosiy vositalarning tarkibi va asosiy vositalarni milliy va moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga moslashtirish hamda solishtirish masalalari yoritib o'tilgan.

Kalit so'zlar: asosiy vositalar, moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari, buxgalteriya hisobining milliy standartlari, hisobvaraqlar, modernizatsiyalash, tahlil qilish.

Кириш

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида асосий воситаларни ҳисобини юритишда ҳам ўзгартиришлар киритишга эътибор берилмоқда.

Бу албатта ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини яхшилашга олиб келади.

Жаҳон иқтисодиётига интеграллашув жараёнида асосий вазифалардан бири халқаро стандарт талабига мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобланади. Бундай маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, янги технологиялар жорий этиш ва қайта жиҳозлаш лозим. Шу нуқтаи назардан ушбу масаланинг муҳимлигини таъкидлаб, юртбошимиз Ш.Мирзиёев шундай деган: "Тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Бунинг учун хорижий сармоялар ва илғор технологияларни ҳамда ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳаларга янада жалб этишимиз зарур бўлади. Айни шу асосда 2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 2 баробардан зиёд кўпайтиришга эришимиз даркор"¹.

Методология

Асосий воситалар ҳисобини юритишда фойдаланадиган ҳежжатлардан бири бухгалтерия ҳисобининг стандартларидир. Бухгалтерия ҳисобининг

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.-Т."Ўзбекистон", 2016.-28 б.- Б15-16.

миллий стандартимиз (БҲМС) ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарт (МҲХС) ларидан келиб чиқиб, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартимиз (БҲМС) ишлаб чиқилган ҳамда республикамиздаги мавжуд ҳисоб тизмига мослаштириб қабул қилинган. Ҳар бир стандарт бойича халқаро ва миллий стандартлар ўртасида тўғувотлар мавжуд, жумладан, асосий воситалар бўйича; асосий воситалар ҳисоби халқаро стандартнинг 16- стандартида юритилади, миллий стандартимизда эса 5-стандарт сифатида қабул қилинган.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларида асосий воситаларга қуйидагича таъриф берилган : *“Асосий воситалар-бир йилдан кўпроқ фойдали хизмат қилиш муддатига эга бўлган ва ишлаб чиқариш ёки товарларни етказиб бериш, маъмурий мақсадлар учун фойдаланадиган ёки ижарага бериладиган активлардир”*. Миллий стандартда эса қуйидагича: *“Асосий воситалар - корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар”*.

Бухгалтерия ҳисобининг ҳар томонлама омилкор ва ишончли воситага айланишини таъминлаш мақсадида республикада кўпгина ислохотлар амалга оширилди, энг аввало, 1996 йил 30 августдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги 279-1-сонли Қонуннинг қабул қилиниши ва унинг 2016 йил 13 апрелдаги ЎРҚ-404-сонли Қонунига қўшимча ўзгаришлар билан тўлдирилган янги таҳрири ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш даврида асосий воситаларга эҳтиёж уни ҳисоб ва аудитни тўғри юритишда янада масъулият юклайди.

Корхоналарда асосий воситаларни доимий модернизация қилиб бориш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу масалада Ўзбекистонда маълум ишлар амалга оширилган, шу жумладан, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги еттита устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш борасида муҳим вазифалар белгиланган [2].

Натижалар

Халқаро стандартларда кўрсатилишича активлар асосий восита сифатида қабул қилиниши учун қуйидаги мезонга жавоб бериши керак, яъни бир йилдан узоқ муддатга хизмат қилиши шарт. Ушбу мезонга киритилмайдиган активлар эса инвентарь тарзида қабул қилинади ва уларга эскириш ҳисобланмайди, асосий воситаларга эса ҳар ойда эскириш ҳисобланиб борилади.

Миллий стандартимиз эса иккита мезонга асосан қабул қилинган бўлиб, яъни:

- а) Муддати, яъни бир йилдан ортиқ хизмат қилиши;
- б) Қиймати, яъни бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикаси (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар ва меҳнат воситалари киради.

Бу талабларга киритилмайдиган активлар бизнинг ҳисобчилигимизда ҳам инвентарь кўринишида қабул қилинади ва эскириш ҳисобланмайди.

Шунингдек, уларнинг ҳисобини юритишда ҳам бир қанча фарқлар мавжуд:

-МХХСда бухгалтерия ёзувлари сўзлар орқали амалга оширилади, масалан, асосий воситага эскириш ҳисобланганда:

Д-т Эскириш ҳаражатлари

К-т Асосий воситани жамғарилган эскириши;

-БХХСда эса бухгалтерия ёзувлари рақамлар орқали амалга оширилади, яъни ҳисоблар режаси бўйича берилади, масалан,

Д-т 2010,9430,2310,2510

К-т 0200;

-халқарода асосий воситалар қабул қилинганда тўғридан-тўғри асосий воситалар моддасига олиб борилади, масалан, ускуна сотиб олинди:

Д-т Асбоб ва ускуналар

К-т Пул маблағлари;

-миллий стандартимизда асосий воситалар қабул қилинганда 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» ҳисоби орқали ҳисобга олинади, масалан, ускуна сотиб олинди: Д-т 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Д-т 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар»

К-т 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»

-МХХСда асосий воситалар бўлими баланснинг бош қисмида турмайди, чунки бу узоқ муддатли активларни ликвидлик даражаси пастлиги учун ва йиллик ҳисоботларда ҳам асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот топширилмайди деб тавсиялар берилган;

-бизнинг стандарт бўйича баланснинг дастлабки қисми узоқ муддатли активларга тегишли бўлганлиги учун асосий воситалар баланснинг биринчи қаторидан жой олган ва асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисоботлар ҳозирги вақтда топширилмайдиган бўлган. Бу муомалаларга доир қуйидаги мисолни миллий ва халқаро стандартларга мос равишда кўрамиз:

Мисол тариқасида, Корхона қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

Бу корхона янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш режасини амалга оширмоқчи эди. Корхона эски турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ускуна сотди. Ускунанинг дастлабки қиймати 200 000 ш.б да бўлиб, у 2021 йил 1 январда балансга қабул қилинган. Ускунага тўғри чизиқли усулда эскириш ҳисобланган, эскириш фақат бир йил учун ҳисобланган ва 2021 йил 31 декабрда 170 000 ш.б га сотилган.

Миллий стандарт бўйича

№	Муомалалар мазмуни	Д-т	К-т	Сумма (ш.б)
1	Ускунага 2021 йил учун эскириш ҳисобланди	2010	0230	40 000

2	Асосий восита сотилди, пули бир ойдан кейин келиб тушади	4010	9210	170 000
3	Ускуна балансдан чиқарилди	9210	0130	200 000
4	Ускунанинг эскиришини ҳисобдан чиқарилиши	0230	9210	80 000
5	Асосий воситани чиқиб кетишидан кўрилган фойда	9210	9310	50 000

Халқаро стандарт бўйича

№	Мумомалалар мазмуни	Д-т	К-т	Сумма (ш.б)
1	Ускунага 2021 йил учун эскириш ҳисобланди	Эскириш харажатлари	Ускунанинг жамғарилган эскириши	40 000
2	Асосий восита сотилди, пули бир ойдан кейин келиб тушади	Олинадиган ҳисоблар	Асосий воситанинг чиқиб кетиши	170 000
3	Ускуна балансдан чиқарилди	Асосий воситанинг чиқиб кетиши	Ускуна	200 000
4	Ускунанинг эскиришини ҳисобдан чиқарилиши	Ускунанинг жамғарилган эскириши	Асосий воситани чиқиб кетиши	80 000
5	Асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган фойда	Асосий воситанинг чиқиб кетиши	Асосий воситанинг чиқиб кетишидан фойда	50 000

Хулоса

Халқаро стандартда узоқ муддатли активларни ликвидлилик даражаси паст деб ҳисоблайди, бу активлар қайсидир маънода ҳам кам фойда келтирувчи бўлиб ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби-нинг халқаро стандартлари албатта умумий тарзда тузилган, уни ҳар бир мамалакат ўзини миллий стандартларига мослаштиради. Бизнинг бухгалтерия ҳисобимизнинг миллий стандартларининг асосий воситалар моддаси ҳам халқаро стандартлар асосида тузилган, баъзи бир қисмлари миллийлаштирилган.

Асосий воситалар ҳисобида 4 асосий масала мавжуд бўлиши лозимлиги стандартда кўрсатилган, уларга қуйидагилар киради:

-асосий воситаларнинг дастлабки баҳоси;
- асосий восита қийматини келгуси даврларга тақсимланиш учун аниқланган эскириш ставкаси;

- асосий воситалар олингандан кейин қийматининг ўзгариши, шу жумладан, қийматининг кўпайиши ёки мумкин бўлган камайиши, камайишининг оқибатларини ҳисобварақларда қандай қилиб акс эттирилиши;

-активларни кейинчалик ҳисобдан чиқарилишини рўйхатга олиш.

Асосий воситалар актив сифатида тан олиниши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

-корхона ўша активдан келажақда юқори фойда олиш имконига ишончли бўлса;

-активни таннархи ишончли ва тўғри баҳолана олинса.

Асосий восита таннархи элементлари қуйидагилардан ташкил топади:

А) сотиб олиш нархи, бу ўз ичига импорт божларини ва сотиб олиш билан боғлиқ қайтарилмайдиган солиқ суммаларини ҳам олади;

Б) активни керакли жойга олиб келиш билан боғлиқ, уни ўрнатиш, монтаж қилиш, яъни ўша асосий восита ўз функцияларини бажариши учун кетадиган барча харажатларни ўз ичига олади.

Асосий восита амортизацияси –бу активдан фойдаланиш мобайнида унинг бошланғич қийматини фойда келтириш даврига мос равишда харажатлар кўринишида ҳисобдан чиқариб бориш тушунилади.

Амортизация корхонанинг ҳар даврдаги рентабеллик даражасига қараб ҳисобланиши назарда тутилади, чунки бу харажатлар ҳам корхона аҳволини ёмон қилиб кўрсатишига олиб келиши мумкин. Мисол, хорижий давлатларда шундай ҳолатни кўриш мумкин, агар компания кредит олмоқчи бўлса, ўша давр мобайнида амортизация ҳисоблаш усулларида оқилона фойдаланиб, ўзининг соф фойдасини юқори даражада кўринишга олиб келади, бунинг натижасида компаниянинг тўлов қобилияти ҳам сунъий оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби” тўғрисида”ги Қонуни ЎРҚ-404-сонли 2016 йил 13 апрель.

2. БҲМС 19- сонли стандарти.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.-Т.”Ўзбекистон”, 2016.-28 б.- Б15-16.

4. Мирзиёев Ш.М.”Тараққиёт стратегияси 2022-2026 йиллар” ПФ 60-сонли 28.01.2022 йил.

5. www.lex.uz.